


# UZLUKSIZ TA'LIM



ILMIY-USLUBIY JURNAL

№3



Тошкент – 2009



**М.ШОДМОНОВА,  
ЎзПФИТИ аспиранти**

## **ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА МАКТАБ ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ**

Жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, айниқса, интеллектуал ривожланишида ХХІ аср катта ўзгаришларга бой давр бўлмоқда. Ушбу жараёндаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда бугун кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш долзарб масалалардан бирига айланди. Бу ўз навбатида ўқув дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнини ташкил этишда янгича ёндашувлар – илғор педагогик технологияларни қўллашни талаб этмоқда.

Маълумки, ҳар қандай илғор педагогик технология «ўқитувчи - жараён - ўқувчи» муносабатида ташкил этилади, яъни таълимнинг бу жараёнида ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам бир чизиқда фаолият олиб боради. Таълим берувчи таълим олувчининг ўзи изланиши, муаммолар ечимини ўзи топиши, гуруҳларда дўстона муҳитни юзага келтириши, мантиқий фикрлаб, яқдил қарор чиқариши, фикрларини асосли, эркин ва равон баён этиши учун шарт-шароит яратади, дарс жараёнининг ташкилотчиси, бошқарувчиси, йўналтирувчиси, кузатувчиси, назоратчиси, ўқувчининг дўсти, ҳамкори, ёрдамчиси сифатида фаолият юритади.

Таълим-тарбия жараёнини Давлат таълим стандартлари асосида ташкил этиш, мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини илғор педагогик технологиялар асосида оширишдан аввал қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:



- мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малака-сини ошириш курслари йиллик режасини таҳлил қилиш;
- мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг педагогик-методик талаб ва эҳтиёжларини аниқлаш;
- мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчилари курс давомида эгаллашлари зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиш;
- мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчилари малакасини илғор педагогик технологиялар асосида ошириш мазмунини ва тартибини ишлаб чиқиш.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг педагогик-методик талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув мавзуий режа тузиш ва унга асосан дастур ишлаб чиқиш;
- дастур талаблари асосида тегишли усул ва воситаларни танлаш ва машғулот ишланмаларини тузиш;
- педагогик жараёни амалга ошириш.

Мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчилари малакасини илғор педагогик технологиялар асосида ошириш курсларини ташкил этиш қуйидаги мақсадларни амалга оширишни кўзда тутди:

- мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий савиясини узлуксиз равишда ўстириш, малакасини ошириш;
- педагогик тафаккурини бойитиш;
- таълим жараёнида улар томонидан қўлланиши зарур бўладиган замонавий ва ахборот технологиялари, методик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- ўқитиш жараёнига илғор халқаро педагогик тажрибаларни жорий этиш ва уларни ўз ўрнида қўллаш олиш;
- таълим олувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини, ўқувчиларнинг ёш хусусияти, қизиқиш ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим беришнинг метод, усул ва воситаларини тўғри танлаш;
- таълим жараёнини лойиҳалаштирилган тизим асосида бошқариш;

Мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчилари малакасини илғор педагогик технологиялар асосида ошириш курсларини таш-



кил этиш қўйидаги вазифаларни ўз олдига қўяди:

- ўқитувчилар малакасини илғор педагогик технологиялар асосида ошириш жараёнини ташкил этиш;

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш;

- масофадан туриб ўқитиш усулларида фойдаланиш;

- ўқув-услубий манбалар билан таъминлаш;

- курсга келган ёки таклиф этилган илғор педагогик технологиялар асосида намунали дарс ташкил эта оладиган ўқитувчилар тажрибасини оммалаштириш.

Мақтаб она тили ва адабиёт ўқитувчилари малакасини илғор педагогик технологиялар асосида оширишни ташкил этиш курсларида тингловчиларга таълим самарадорлигига эришиш, таълим мазмунини бойитиш, мақсадни амалга оширишнинг энг қисқа ва мақбул йўлини, усуллари танлашга тавсия беришдан аввал уларнинг ўзларини жараён ичига олиб кириб, муаммо ечимини топишга йўл кўрсатиб, ўқувчи ҳолатига тушириш лозим бўлади. Шундагина ўқитувчи ўқувчини янада кўпроқ тушунади, унинг туйғуларини ҳис қила олади.

Шу ўринда курсларда тингловчиларни илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, замонавий таълим усуллари танлаш ва амалда қўллаш олиш юзасидан бир соатлик дарс машғулотини беришни мақсадга мувофиқ деб билдик:

**Мавзу:** Адабиёт дарсларини таълимнинг замонавий технологиялари асосида ташкил этиш.

*Таълимий мақсад:* тингловчиларга адабиёт дарсларида замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш, таълим усуллари танлаш ва уларни амалда қўллашни ўргатиш.

*Тарбиявий мақсад:* ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат, ижодкорона муҳитни шакллантириш.

*Ривожлантирувчи мақсад:* касбий маҳоратни ривожлантириш, педагогик тафаккурни бойитиш, ўзгаларни яқиндан ҳис қилиш, назария ва амалиётни воқелик асосида талқин қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

*Жиҳозлар:* флипчарт қоғози, маркер, скотч, қайчи, клей, карточкалар.



Машфулотнинг бориши:

1. *Кириш.* Тингловчилар билан саломлашилади, уларнинг кайфияти сўралади. Айти дамда улар қандай ҳолатда эканлиги кузатилади. Таълим берувчи ўзини таништиради.

2. *Мавзу эълон қилинади.* Иштирокчилар мавзу муҳокама-сига киришишдан аввал 5 ёки 7 нафардан иборат бўлган гуруҳ-ларга ажратилади.

3. *Гуруҳларга топшириқлар берилади.*

1. Гуруҳингизни номланг. Нима учун шундай номладингиз?

Изоҳ: бу биринчидан, тингловчилар ижодкорлигини намоён қилса, иккинчидан, таълим жараёни бошқарувчисининг гуруҳларга номини айтиб мурожаат қилиши мақбул йўл ҳисобланади.

2. Гуруҳ иши ва тақдимот учун вақт белгиланади.

3. Гуруҳларга 15 дақиқа ичида флипчарт қоғозларида ёзилган саволларга маркер ёрдамида жавоб ёзишлари айтилади ва ҳар 3 ёки 4 дақиқада гуруҳлар олдидаги жавоблар қоғози на-убатдаги гуруҳ билан соат миллари йўналишида алмаштириб гурилади. Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Адабиёт дарсларида энг кўп самара берадиган фаол таъ-лим усуллари сананг.

2. Қайси усулни қайси жараёнда қўлласа бўлади?

3. Фаол таълим усуллари афзалликлари нималардан иборат?

4. Фаол таълим усуллари камчиликлари қандай?

Саволлар ечилиши лозим бўлган муаммога қараб ўзгариши мумкин.

4. *Вақт бўлгач тренер жараёни тўхтатишни сўрайди.* Бун-дан ҳар бир гуруҳнинг олдида ўзлари биринчи бўлиб жавоб ёз-ган саволлари айланиб келади. Гуруҳдан бир етакчи чиқиб ўз гуруҳи ва гуруҳдошлари ёзган жавобларни ўқиб, изоҳлашга ҳара-кат қилиди. Аввал гуруҳ аъзоларига, сўнгра қолган гуруҳларга «Тўндирувчи борми?» дея мурожаат қилинади..

5. *Гуруҳлар иши муҳокама қилинади.* Мунозарали вазият юз бери келса, аввалдан тайинланган эксперт гуруҳи ёки тренер-нинг ўзи билан тўғри ва мақбул жавобни танлаб, уни илмий асос-



лаган ҳолда, фикрни нотўғри талқин қилган иштирокчининг гоёларини кескин рад этмай жавоб беришга ҳаракат қилади.

6. *Таълимий муҳокама* ўтказилади (муҳокамада таълим олувчилар ҳам, таълим берувчи ҳам ярим доира шаклида ўтиришса мақсадга мувофиқ бўлади).

Унга қуйидагича саволлар киритиш мумкин:

- Бу усул сизга танишми?
- Сиз жараёнда қандай ҳолатга тушдингиз?
- Ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?
- Замонавий таълим усулларида тўлиқ хабардорлигингизга амин бўлдингизми? Бунда кимнинг ёрдамига кўпроқ суяндингиз?
- Сизнингча, адабиёт дарсларида самарадорликка эришишнинг энг мақбул воситаси нима (дарслик, кўргазма, ЎТВ ва бошқалар)?
- Бу усулни ўқувчидан олдин ўзингизга қўллаб кўришингиз шарт деб ўйлайсизми?
- Айнан шу усулни адабиёт дарсларидаги қайси мавзуларни ўрганишда қўлласа бўлади?
- Бу усул орқали ўқувчиларда қандай фазилатларни камол топтириш мумкин деб ўйлайсиз?

7. *Аудитория бўйлаб саёҳат*. Бунда иштирокчилар керакли маълумотларни дафтарларига ёзиб оладилар.

8. *Машғулот якуни*.

Мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчилари малакасини илғор педагогик технологиялар асосида оширишни ташкил этиш курсларида гуруҳ билан ишлаш ва ҳамкорликда ўқитиш технологияларини қўллаганда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

- таълим берувчининг жараёнга тайёргарлиги;
- мақсадни аниқ қўя олиш;
- энг мақбул усулларни қўллашга тайёргарлик;
- жой ва жиҳозлар;
- кутилмаган вазиятларни ҳисобга олиш;
- гуруҳлар ҳамкорлигини ташкил этиш;
- ўзаро ҳурматни тўғри йўлга қўйиш;
- муаммонинг ечимини топишга биргаликда ҳаракат қилиш;
- вақтни тўғри тақсимлаш.



**Р. ДЖУРАЕВ,**  
**профессор УзНИИПН**

## **ВИДЫ И ВОЗМОЖНОСТИ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

Информационные технологии с каждым годом меняются и совершенствуются. Большое влияние на их развитие оказывают быстрый рост в области техники и возрастающая потребность педагогики.

Применение информационных технологий в образовании дает хорошие результаты в укреплении знаний и решении других образовательно-воспитательных задач. Самыми важными направлениями в решении данных проблем являются:

- разработка единого научно-методического подхода к решению задач учебно-педагогического, образовательно-воспитательно-го и другого типа в конкретных учебных заведениях, проблемы применения новых информационных и коммуникативных технологий в образовании;
- подготовка педагогических кадров, способных использовать ИКТ в процессе обучения;
- подготовка обучающихся с применением современных способов обучения;
- материально-техническое оборудование учебного заведения;
- создание банка носителей современной информации, разработка методики их применения в практической деятельности;
- разработка образовательных программ по различным предметам, их применение и т.д.

Особенности решения группы выше перечисленных проблем (применения ИКТ в области образования) следующие:

## МУНДАРИЖА

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

- 3 M.Irgasheva, A.Xojiyev, T.Siddiqov  
I.Karimovning «Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch» asarini o'rganishning ta'limiy imkoniyatlari
- 10 T.Эшқувватов  
Талабаларда ижтимоий-маданий хислатларни ривожлантириш
- 15 А.И.Аширова  
«Ахборот тизимларини лойиҳалаш» фани амалий машғулотларида янги педагогик технологияларни қўллаш
- 22 М.Шодмонова  
Илғор педагогик технологиялар асосида мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш
- 27 Р.Х.Джуроев  
Виды и возможности информационных технологий
- 33 У.К.Толипов, П.Т.Магзумов, В.В.Варга  
Проблемы совершенствования профессионального обучения на основе моделирования (продолжение)
- 38 В.Ф.Гурьянов, С.И.Хусанова  
Формирование культуры безопасности жизнедеятельности в системе непрерывного образования

### МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

- 42 В.Налилова  
Талабаларда шахслараро munosabat malakalarini shakllantirish
- 45 И.Давронов  
Бошлангич синфларда она тили таълимини ташкил этиш
- 53 Г.Тожибоева  
Умумий ўрта таълимда психологик маслаҳатни ташкил этиш
- 56 М.М.Охунова  
Бошлангич синф ўқувчиларида ватанпарварлик тушунчаларини шакллантиришда Ўрта Осиё алломалари ғояларидан фойдаланиш
- 59 Ф.Жумаева  
Формирования нравственных качеств учащихся 7-9-классов

### ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

- 64 М.Мусаева  
Ўқувчиларга сардобалар ва улардан фойдаланиш йўлларини ўргатиш методикаси

### КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

- 69 И.Х.Тўрақуллова  
Талаба-ёшлар маънавий иммунологик тарбияси учун маълумотлар базасини яратиш технологияси
- 74 Н.И.Тайлақов, Б.Э.Элмуродов  
Лаборатория машғулотларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар
- 80 Ш.М.Мирзаев, Б.Қобилов  
Физиканинг «Узгармас ток қонунлари» бобини коллежларда ўқитишнинг янги педагогик технологияси тренинги
- 87 Ш.М.Қамолхўжаев, А.А.Эшқулов  
Синегретиканинг замонавий таълимдаги ўрни
- 93 Т.Ж.Исмоилов  
Булажак касб таълими ўқитувчиларини ижодкорлик фаолиятига раҳбарлик қилишга тайёрлаш
- 97 Н.А.Муралова  
Усмирлик ёнидаги ўқувчиларда ўқиб-ўрганиш фаолиятига қизиқишни шакллантириш мотивацияси
- 100 Ф.С.Тўрибасқов  
Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари
- 104 У.Юнусова  
Синфдаги ташқири инларда тупроқнинг кислоталилик даражасини аниқлаш

### ТАХЛИЛ ТАКРИВ ТАКЛИФ

- 108 Т.А.Алимов, Ш.Қ.Мирзалиев  
Тарих тили кўриниши



**M.IRGASHEVA,**  
*Jizzax viloyati PKQTMOI katta o'qituvchisi,*  
**A.XOJIYEV,**  
*huquq asoslari fani o'qituvchisi,*  
**T.SIDDIQOV,**  
*Jizzax tumanidagi iqtisodiyot*  
*kasb-hunar kolleji o'qituvchisi*

**I.KARIMOVNING «YUKSAK MA'NAVIYAT –  
YENGILMAS KUCH» ASARINI O'RGANISHNING  
TA'LIMY IMKONIYATLARI**

2008-2009 o'quv yilida umumta'lim maktablarida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning «Yuksak ma'naviyat —yengilmas kuch» nomli asarini o'rganish bo'yicha fakultativ kurs joriy etildi.

Kurs 17 soatga rejalashtirilgan bo'lib, bu kursni o'rganishda interfaol usullardan foydalanish imkoniyatlari cheksizdir. Xususan, asarda ma'naviyat tushunchasi, ma'naviyatni shakllantiradigan asosiy mezonlar, ma'naviy va moddiy hayot uyg'unligi izchillikda buyon qilingan bo'lib, dars jarayonida axborot texnologiyalari bilan birgalikda pedagogik texnologiyalardan ham keng foydalanish mumkin. Bu o'quvchilarda fikrlash mustaqilligini ta'minlaydi va nazariy bilimlar rolini oshiradi. Jumladan, asarning I bobi «Ma'naviyat – insonning ulg'ayishi va kuch-qudrat manbaidir» deb nomlanadi. Mashg'ulotning motivatsiya qismida ma'naviyatni anglash uchun shu so'z o'quvchilarda qanday tasavvur uyg'otishi ko'raladi, ya'ni «aqliy hujum» usulini qo'llab bildirilgan g'oya va fikrlar yozib boriladi. So'ngra ular o'qituvchi tomonidan umumlashtirilib, o'quvchilarning mustaqil ishlashi tashkil etiladi.

Ma'naviyatni shakllantiradigan asosiy mezonlar haqida gap